

ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Исломова Севинч Иззатиллаевна

Нусратова Зухра Фарход кизи

Ғаниев Шохрухжон Шухрат ўғли

Ҳимматов Зухриддин Фурқат ўғли

Норбўтаева Севинч Баходир кизи

Эшмаматова Зарнигор Шербек кизи

Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети талабалари.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15199163>

Аннотация. Фармацевтика фаолиятини таъкил этишида, фармацевтика корхонаси иқтисодиётини бошқаришида, фармацевтика ишлаб чиқаришида ва бизнесида ахборот технологияларидан фойдаланиши йўналишларини муҳокама қилиши.

Калим сўзлар: электрон ҳужжат, қозғосиз технология, фармацевтика, ИТ-ресурслар, қозғосиз технология, маркетинг, бошқариш тузилмаси.

THE ROLE OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE PHARMACEUTICAL INDUSTRY

Abstract. Discussion of the directions of using information technologies in the organization of pharmaceutical activities, in the management of the economy of a pharmaceutical enterprise, in pharmaceutical production and business.

Keywords: electronic document, paperless technology, pharmaceuticals, IT resources, paperless technology, marketing, management structure.

РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СФЕРЕ ФАРМАЦЕВТИКИ

Аннотация. Обсуждение направлений использования информационных технологий в организации фармацевтической деятельности, в управлении экономикой фармацевтического предприятия, в фармацевтическом производстве и бизнесе.

Ключевые слова: электронный документооборот, безбумажные технологии, фармацевтика, ИТ-ресурсы, маркетинг, структура управления.

Материал ва тадқиқод усуллари: Фармацевтика бизнесининг ривожланишини таъминлашда замонавий ахборот технологияларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қаторига қуйидагилар киради:

Иш жараёнини автоматлаштириш

1. Фармацевтика ишлаб чиқариш технологиясини бошқариш
2. Банк операцияларини автоматлаштириш

Кириш: Иш жараёнини автоматлаштириш: иш жараёнини автоматлаштириш тизимларининг (матн процессорлари ва бошқалар) жорий етилиши "электрон хужжат" ва "қоғозсиз технология" тушунчаларининг пайдо бўлишига олиб келади. "Қоғозсиз технология" хужжатларни электрон шаклда тўлиқ қайта ишлашни, яъни қоғоз каби жисмоний воситалардан фойдаланишдан бутунлай воз кечишни ўз ичига олади.

Компютерлар ва микропроцессорлар негизида ҳозирда маҳсулот ишлаб чиқариш учун автоматик ва ярим автоматик линиялар яратилди. Бундай линиялардан фойдаланиш бошқа вазифаларни ҳал қилиш учун ходимларни бўшатиш, маҳсулот ҳажми ва сифатини ошириш имконини беради.

Муҳокама: Бугунги кунда дунёнинг етакчи фармацевтика компаниялари ахборот технологияларига йилига 20 миллиард долларга яқин маблағ сарфлайди, бироқ бу сармоялардан тўлиқ даромад олиш камдан-кам учрайди. Компанияларнинг ИТ-ресурсларининг аксарияти харажатларни камайтирадиган технологияларга – таъминот занжирини бошқариш, транзакцияларни қайта ишлаш, қўллаб-қувватлаш хизматларига йўналтирилган ва бу технологияларнинг кўпчилиги ташқи сотувчиларни қўллаб-қувватлаш учун аўсорсингга топширилмоқда. Саноат аллақачон молекуляр ёндашувларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ катта ўзгаришларни бошдан кечирмоқда.

Келажакда генетика, геномика, протеомика фармацевтика компанияларига касалликларни аниқроқ аниқлаш ва ўхшаш аломатлари бўлган, аммо моҳиятан турли касалликларга ега беморлар учун "ўлчовли" дори-дармонларни ишлаб чиқариш ўрнига, касалликнинг ўзига хос кичик турлари бўлган беморлар учун соғломлаштириш бўйича ечимларнинг бутун пакетларини яратишга имкон беради. Фармацевтика саноатида ахборот технологияларини жорий етишнинг 3 та мисоли қилиб, ишонч билан айтиш мумкинки, янги ахборот технологияларини жорий етиш қўйидаги сабабларга кўра давом этади: Аҳолининг юқори самарали дори-дармонга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш фармацевтика саноатининг қай даражада ривожлангани билан боғлиқ. Юртимизда бу соҳада ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Бугунги кунда аҳолини сифатли, самарали, хавфсиз арзон дори воситалари билан таъминлаш Соғлиқни сақлаш тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири Президентимиз томонидан қабул қилинаётган қатор фармон

ва қарорларда белгиланган чора-тадбирлар соҳани такомиллаштириш, халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кўришини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Фармацевтика фаолиятининг назорат рухсатнома қуйи тизими: Маълумки, фармацевтика корхонаси, бошқа ҳар қандай корхона каби, маркетинг бўлими ва маркетинг тадқиқотлари гуруҳини ташкил қилмасдан фаолият кўрсата олмайди. Шу сабабли фармацевтика корхонасининг президенти иқтисодий масалалар бўйича вице-президентга корхона маркетинг фаолиятини бошқариш тузилмасини ишлаб чиқиш, маркетинг бўлими бажариши лозим бўлган функцияларни ҳисобга олган ҳолда бўлим учун кадрларни танлаб олиш вазифасини топширди.

Ўз навбатида вице-президент маркетинг бўлими раҳбарига бошқарув тузилмасини ишлаб чиқиш, бўлим фаолияти турларини аниқлаш ва бундан келиб чиқувчи вазифаларни белгилаш вазифасини топширди:

1. Бўлимни бошқариш тузилмасини ишлаб чиқиш.
2. Кадрларни танлаш ва ўқитиш.
3. Маркетинг бўлимида ички фаолият турларини аниқлаш.
4. Ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш, материал сарфи ва юклама харажатларни ҳисобга олиш тартибини белгилаш.
5. Товар заҳиралари ва уларнинг айланмаси тезлиги, товар заҳираларини назорат қилиш усулларини таҳлил қилиш.
6. Режалаштириш ва назорат мақсадида маркетинг тадқиқотлари бюджетини ишлаб чиқиш:
 - ◆ бюджетни ишлаб чиқиш мақсадлари;
 - ◆ бюджетни тайёрлаш бўйича ишларни ташкил этиш;
 - ◆ қўшма корхонанинг бошқа бўлимлари билан маркетинг бўлимининг алоқаси; ◆ касса бюджети ва ундан нақди пулни бошқаришда фойдаланиш.
7. Капитал харажатлар режасини баҳолаш:
 - ◆ ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига қўйилмалар ҳажми;
 - ◆ капитал харажатларни режалаштириш;
 - ◆ капитал қўйилмалар ҳажмига таъсир кўрсатувчи омиллар;
 - ◆ капитал харажатларни тежашни баҳолаш усуллари.
8. Корхонанинг маркетинг фаолияти ҳақида ҳисобот тузиш жараёнини ишлаб чиқиш.

Вазиятли масалани қўшма корхонанинг маркетинг бўлими ва экспертлар йиғилишида кўриб чиқиш ҳамда унинг фаолияти бўйича маркетинг тадқиқотлари асосида тавсиялар ишлаб чиқиш зарур. Вазиятни таҳлил қилиш ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш учун 24 соат вақт ажратилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки тадқиқод натижалари шуни кўрсатадики барча тизимлар бутун ишлаб чиқариш нархига нисбатан ўрнатиш ва ундан кейинги фойдаланиш вақтида жуда арзон;

Кўпинча ходимларни ўқитиш талаб қилинмайди, чунки яхши тузилган тизим ҳамма нарсани ўз-ўзидан амалга оширади;

Ҳозирги вақтда янги технологиялар кўплаб ишчиларнинг ишини осонлаштирди, шунингдек, корхоналар ёки идораларда назорат, бошқарувни ва бошқа тартибларни соддалаштирди.

REFERENCES

1. Шагазатова, Б. Х., & Кудратова, Н. А. (2016). ОЖИРЕНИЕ: ПУТЬ ОТ ИЗМЕНЕНИЯ ОБРАЗА ЖИЗНИ ДО МЕТАБОЛИЧЕСКОЙ ХИРУРГИИ. *Knee Surgery, Sports Traumatology Arthroscopy*, 24, 1741-1742.
2. Mirkhaydarova, F. S., & Axmedova, F. S. (2023). FEATURES OF DIABETES MELLITUS IN HIV-INFECTED PATIENTS. *American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences*, 1(08), 271-275.
3. Шагазатова, Б. Х., Мирхайдарова, Ф. С., Артикова, Д. М., Ахмедова, Ф. Ш., & Кудратова, Н. А. (2019). Особенности течения сахарного диабета у вич-инфицированных больных.
4. Шагазатова, Б., & Ахмедова, Ф. ПОКАЗАТЕЛИ УРОВНЕЙ ТРАНСАМИНАЗ У ПАЦИЕНТОВ С САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ 2 ТИПА ПРИ ХРОНИЧЕСКОМ ГЕПАТИТЕ С НА ФОНЕ ГИПОГЛИКЕМИЧЕСКОЙ ТЕРАПИИ. *InterConf.–2021*
5. Shagazatova, B. X., & Qudratova, N. A. (2023). Tana vaznini tuzatishning operativ va operativ bo'lmagan usullari samaradorligini qiyosiy baholash.
6. Najmutdinova, D. K., & Kudratova, N. A. (2015). The application of insulin analogues in the treatment of type 2 diabetes mellitus: the focus on the cardio protection. *Bulletin of the Karaganda University "Biology medicine geography Series"*, 78(2), 70-77.